

МУҲАРРИР МИНБАРИ



Қадрли муштарийлар!

Мана 2017 йилни журналимизнинг иккиталик сони билан яқунламоқдамиз. Журналимизнинг бундан олдинги сонини чиқарганимиздан сўнг, кўплаб воқеалар бўлиб ўтди: Халқ таълими вазирлиги томонидан тил ва адабиёт ўқитувчиларининг йирик форуми ўтказилди ва ундаги маҳорат дарсларию семинарларда ўқитувчилар ўзаро фикр ва таъриба алмашишди, ҳамкасбларига ўзларининг касбий топилмалари ҳақида сўзлаб беришди. Ялпи мажлисдаги асосий материалларни журналимизда имкон қадар эълон қилиб боришга ҳаракат қилдик.

Ноябрь ойида ЎзДЖТУ чет тилларни ўқитиш кафедраси томонидан **fledu.uz** платформасида “Чет тилларни ўқитишда инновацион технологиялар” номли онлайн конференция ўтказилди. Ушбу конференциянинг материаллари нафақат **www.conference.fledu.uz** сайтида эълон қилинди, балки ўқиётганингиз журнал саҳифаларидан ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, ҳар доимгидек, биз назарий тилишунослик, қиёсий лингвистика, таржимашунослик, журналистика, адабиётшунослик ва маданият муаммоларига бағишланган мақолаларни эътиборингизга ҳавола этаямиз. Ушбу мақолаларнинг чоп этилиши филолог муштарийларимиз учун фойдали бўлишига умид қилиб қоламиз.

Келаётган йилда барча ҳамкасбларимиз, муаллифларимиз, таҳририятимизнинг дўстларига ижодий зафарлар, соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

**Барчангизга ёқимли ва фойдали мутолаа тилаб,
Бош муҳаррир
Гулмира Шукурова**